

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТКАРИМОВА НАЗОКАТ МАКСУДОВНА

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ НИКОҲ ТЎЙИ
МАРОСИМЛАРИ (XX аср ва мустақиллик даври)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси Автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации Доктора философии (PhD)
Content of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Маткаримова Назокат Максудовна

Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари
(XX аср ва мустақиллик даври).....3

Маткаримова Назокат Максудовна

Свадебные обряды узбеков Хорезмского оазиса
(XX век и период независимости).....27

Matkarimova Nazokat Maksudovna

Wedding ceremonies of Uzbek people in the Khorezm region
(the XXth century and the period of independence).....50

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТКАРИМОВА НАЗОКАТ МАКСУДОВНА

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ НИКОҲ ТЎЙИ
МАРОСИМЛАРИ (XX аср ва мустақиллик даври)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус –2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD.Tar290 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баллиева Руза

тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Улугбек Сайданович

тарих фанлари доктори, профессор

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна

тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ажинийёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ Давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD03/30.12.2019.Tar.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус ш., Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361)223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru.)

Диссертация билан Қорақалпоқ Давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361)223-60-49; Факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2020 йил «23» 10 кун таркатилди.
(2020 йил «23» 10 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



С.Р.Давлетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., тарих фанлари доктори, доцент

М.М.Давлетияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.А.Қошанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари турли халқлар ва этнослар ўртасидаги маданиятларнинг аралашуви ва умумийлашуви билан характерланади. Мазкур жараёнларнинг салбий таъсири миллий менталитетнинг, маънавий дунёқарашдаги ўзига хосликнинг йўқолишига, маданий жараёнларнинг оммавийлашувига, ҳамда оилавий муносабатлар ва никоҳ билан боғлиқ жараёнларнинг ҳам деградациялашувига олиб келади. Бундай шароитда дунёнинг турли минтақаларида яшаётган этносларга хос локал маданиятларни этнографик материаллар асосида тадқиқ қилиш этнология фанидаги долзарб илмий муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда оилавий маросимлар ва никоҳ билан боғлиқ анъаналардаги этнолокал хусусиятларни тарихий-этнографик ва этносоциологик жиҳатдан тизимли таҳлил этиш ҳамда комплекс тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Оила институтининг асоси бўлган никоҳ масаласи дунёнинг барча халқларида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Никоҳ тўйи маросимлари халқ турмушининг, маънавий маданиятимизнинг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассам этади ва унда миллатнинг ўтмиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий ва маънавий қиёфаси намоён бўлади. Ўзбекистонда миллий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, халқ маънавияти ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди. Бу эса, никоҳ тўйи маросимларини ўтказилиш шакллари, улар таркибида сақланиб қолган умуминсоний, миллий ва маҳаллий ўзига хосликларни аниқлаш, айрим унутилиб кетган ижобий удумларни қайта тиклашга илмий замин яратади.

Ўзбекистоннинг шимолий этнографик минтақаларидан бири бўлган Хоразм воҳаси никоҳ тўйи маросимлари ўзининг ранг баранглиги ва этнолокал удум ва анъаналарга бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур жиҳат, воҳадаги никоҳ тўйи маросимларини тарихий-этнографик материаллар асосида тадқиқ этиш имконини беради. Мавзуни ҳар томонлама ўрганмай туриб, никоҳ тўйи маросимларининг аҳамиятини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш қийин. Шу маънода, ушбу диссертация воҳадаги никоҳ тўйи маросимлари ҳақида муайян фикр юритишга, ҳамда никоҳ тўйларини ихчам ва миллий қадриятлар асосида ўтказишнинг ижобий жиҳатларини очиб беришга асос бўла олади.

Ўзбекистонда оила ва никоҳ институтини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган муҳим давлат дастурлари, айниқса тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш борасида белгиланган вазифалар никоҳ билан боғлиқ урф-одат ҳамда анъаналарнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги эмпирик маълумотларни ёритишга ёрдам берадиган назарий мулоҳазалар заруратини вужудга келтиради.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги¹, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги² Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорлари³ ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзунинг ўрганилиш даражаси ва тадқиқотнинг методологик асосларидан келиб чиққан ҳолда мавзуга бевосита таалукли бўлган адабиётлар асосан тўрт гуруҳга бўлиб тадқиқ қилинди: 1. XX аср бошигача бўлган манбалар; 2. Мустамлака ва совет даври тадқиқотлари; 3. Мустақиллик даври тадқиқотлари; 4. Хорижий тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳ адабиётларини XX аср бошигача бўлган тарихий ва ёзма манбалар, этнографик асарлар ташкил қилади. Ушбу маълумотлар қисқа тавсифий характерга эга бўлиб, уларда Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари ва у билан боғлиқ урф-одатлар тўлиқ акс этмаган.

Мустамлака даври адабиётларини ёритишда Хива хонлигига ташриф буюрган россиялик элчилар, сайёҳ ва зобитларнинг эсдалик ва ҳисоботлари ҳам муҳим манба вазифасини бажаради, бироқ уларда никоҳ тўйларининг маросимий томонларига камроқ эътибор қаратилган. Совет даврида эса этнография фани институционал ривожлангани боис, бу даврда олиб борилган илмий экспедиция материаллари ва тадқиқотларда воҳадаги оилавий маросимлар ва никоҳ билан боғлиқ жараёнлар масаласи чуқур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3107036>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/354674.7>.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 29 июндаги №09-15/255-сонли “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида” ги қарори. // <https://azon.uz/content/views/oliy-majlis-senat-tuy-hashamlar-va-maros>; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736–III/КҚ-592–III-сонли қўшма мажлисида қабул қилинган “Тўй-ҳашамларни, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказишни тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. // <https://www.norma.uz/uz/bizning-sharhlar/tuy-hashamlar-va-oilaviy-marosimlar-utkazish-tartibi-tasdiqlandi>.

илмий таҳлил этилган ва кенг ёритилган. Бироқ, ушбу нашрлар ўша даврнинг социалистик мафкурасини тарғиб қилишга ҳам йўналтирилган. Бу даврга оид адабиётлар тадқиқот ишимизнинг иккинчи гуруҳини ташкил этади.

Тадқиқотнинг учинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик даврида амалга оширилган илмий ва этнографик тадқиқотларни киритиш мумкин. Уларда оилавий маросимлар ва никоҳ билан боғлиқ жараёнлар атрофлича талқин қилинган бўлсада, айнан Хоразм воҳаси никоҳ тўйи маросимлари тўлиқ акс этган маълумотлар мавжуд эмас.

Тўртинчи гуруҳ адабиётларини хорижий тадқиқотлар ташкил қилади. Хорижий адабиётлар таҳлиллари оила ва никоҳ билан боғлиқ тушунча ва тамойиллар ҳақидаги назарияларнинг кўплигини кўрсатсада, уларда Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ маросимлари масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган.

Мавжуд тадқиқотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразм воҳаси никоҳ тўйи маросимлари масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида комплекс тадқиқ этилмаган ва унинг этнолокал хусусиятлари тизимли равишда ёритилмаган (тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи бобига батафсил маълумот берилган).

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч Давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган PZ – 201709202-сонли “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги давлат амалий гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳаси ўзбеклари никоҳ тўйи маросимларининг воҳага хос этнолокал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихий ва ёзма манбалар, илмий тадқиқот ишлари ва этнографик адабиётларни ўрганиш, шунингдек дала этнографик ва социологик сўровномаларни ўтказиш асосида Хоразм воҳаси ўзбеклари никоҳ тўйи маросимларини тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритиш;

Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва расм-русумларининг ўтказилиш тартиби ва у билан боғлиқ жараёнларнинг анъанавий ва замонавий кўринишларини аниқлаш, унинг ижтимоий аҳамиятини тарихий этнографик нуқтаи-назардан тадқиқ этиш;

никоҳ тўйи маросимларида ҳозиргача ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотмаган инонч-эътиқодлар ҳамда Ислом дини билан боғлиқ урф-одатларнинг кўринишларини ёритиб бериш;

никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ халқона қадриятлар: Хоразм миллий санъати ижрочилиги, халқ ўйинлари, никоҳ тўйи маросимларида кийиладиган кийим-кечаклар ва тайёрланадиган миллий таомларнинг воҳага хос хусусиятларининг ўрганиш ва таснифлаш;

никоҳ тўйи маросимларига ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг таъсирини, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этиш, тўйлардаги трансформацион жараёнларни ўрганиш ва шу асосда илмий хулоса бериш.

Тадқиқотнинг объектини Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари ва у билан боғлиқ жараёнларнинг анъанавий ва замонавий кўринишининг этнолокал хусусиятлари, тўй маросимлари билан боғлиқ қадриятлар ва трансформацион жараёнлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни ёритишда тавсифийлик, тарихийлик, фанлараро, тарихий-қиёсий таҳлил ҳамда этнографик кузатув ва социологик сўровнома каби илмий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий-этнографик манбалар ва дала тадқиқотлари асосида Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари комплекс тадқиқ этилган ва воҳага хос маҳаллий удум ва анъаналар (*хўн очиш, новвот синдириш, қуллуқ айтиш, олма отиш, кўшаяна бичар, таха ташар, белбоғ ечар, куёв сузилди, рапида гўйди, капкир гўйди*) нинг этнолокал хусусиятлари очиб берилган;

никоҳ тўйи маросимларининг (*совчилик, потия тўй, кўрпа бичар, нон ёпар, қуш қўнди, гашир дўзграшма, йигит енгнар, хина ёқар, генгаши, никоҳ қийиш, галин гўрар, гуёв гўрар, қуда-доншима*) тарихий-генетик асослари аниқланган, ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти асослаб берилган;

никоҳ тўйи маросимларидаги архаик инонч-эътиқодлар билан боғлиқ этник анъаналарга (*келинни олов устидан ўтказиш, келин отасининг чироқ ёқиб бериши, келин-куёвларни ойнага қаратиш, кўзмунчоқ тақиш, исирик тутатиш, кўшаяна туттиш*) амал қилишда мевали дарахтлар, турли предмет ва локал тушунчаларнинг магик хусусиятига бўлган ишончнинг уйғунлашган ҳолда ҳозиргача сақланиб қолганлиги кўрсатиб берилган;

тарихий ва ёзма манбалар асосида никоҳ тўйидан олдин йигит-қизлар ўртасида *қизил гул сайли, олма отиш, қовун-қовун, ширинноввот* ўйинлари ўтказилгани аниқланган ҳамда воҳанинг айрим худудларида келин-куёвларга тайинланадиган *бурундуқ ота-онанинг* ижтимоий институт сифатидаги маънавий-тарбиявий аҳамияти тарихий-этнологик аспектда кўрсатиб берилган;

дала этнографик маълумотлар асосида никоҳ тўйи маросимларининг турли даврларда трансформацияга учраганлиги (*фотиҳа тўйи* билан *тўйлик, никоҳ тўйи* билан *галин гўрар* кўшилган), айримлари ўзининг асл мазмун-моҳиятини ўзгартиргани (*хина ёқар, йигит енгнар*), баъзилари йўқолиб бораётгани (*уй кўрар, чопон палов, пояндўз палов, супра қоқди*), баъзилари эса ўзининг ижтимоий аҳамиятини тўла йўқотгани (*ходим чиқар, танга сози, қўноқ олиш*) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда келтирилган маълумотлар асосида “Оила илмий-амалий тадқиқот маркази” учун социологик сўровнома ишлаб чиқилган;

воҳа аҳолисининг никоҳ тўйи маросимларидаги трансформацион жараёнлар ҳамда унга таъсир этган омиллар аниқланган ва миллий қадриятларни сақлаган ҳолда тўйлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатларни ихчамлаштиришга оид тавсиялар илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда этнология фанида тан олинган ёндошув ва усуллар қўлланилганлиги, Республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари масаласининг умумлаштирилган услубий ёндошувлар, назарий хулосалар ва дала этнографик маълумотлар орқали олий ўқув юрти талабалари учун тарих, этнография, маданиятшунослик фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши, ўзбек халқи тарихий ва маданий меросини асраш, бойитиб бориш, миллий мафкурани шакллантиришга, мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, ўзбек киномотографиясини ривожлантириш, хусусан, театр ва кино санъати сценарийнавислигини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

тадқиқот ишининг никоҳ тўйларида кийиладиган маросим либослари ва буюмлари ҳақидаги маълумотлари асосида “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган PZ – 201709202-сонли давлат амалий гранти лойиҳасининг “Никоҳ тўйи маросимларида ишлатиладиган нарса-буюмлар ва кийиладиган кийим-кечаклар: анъанавийлик ва замонавийлик” бўлимини ёзишда фойдаланилган (Инновация фаолияти ва технологияларни трансфер қилиш маркази”нинг 2019 йил 15 ноябрдаги 2/30-сонли маълумотномаси) ҳамда лойиҳа доирасида фото-альбом тайёрланган (Никоҳ тўйи маросимларида ишлатиладиган нарса-буюмлар ва кийиладиган кийим-кечаклар: анъанавийлик ва замонавийлик. Альбом. – Москва: Школа Науки, 2020). Тадқиқот материаллари Ўзбекистонда хусусан, Хоразмда туризмни ривожлантиришда, сайёҳларни воҳа маданияти ҳамда никоҳ тўйи билан боғлиқ бўлган анъана ва одатлар билан таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

никоҳ тўйи маросимлари ва уни ўтказиш билан боғлиқ трансформацион жараёнларга оид тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” мухарририятининг “Муқаддас кўрғон”, “Миллат ва маънавият” номли эшиттиришларнинг (2020 йил январ-феврал ойларида) сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУКнинг 2020 йил 6 июлдаги 04-25-715-сонли маълумотномаси). Диссертация маълумотлари Ўзбекистон Миллий телеканалларида намойиш этиладиган маънавий-маърифий кўрсатувларни тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш учун асос бўлади;

диссертациянинг никоҳ тўйи билан боғлиқ миллий қадриятлар ва анъаналар ёритилган боблари ва параграфларидаги илмий маълумотлар ва йиғилган материаллардан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди томонидан фойдаланилмоқда (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди Хоразм вилоят бўлимнинг 2019 йил 29 ноябрдаги 16-сонли маълумотномаси ҳамда Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2020 йил 9 августдаги 01-46-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг “Авесто” музейи экспозицияларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

тадқиқот ишининг никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ миллий қадриятлар ва анъаналарнинг ижобий жиҳатларини оилаларда кенг тарғиб этиш ҳақидаги маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан фойдаланилган (“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Хоразм вилояти бошқармасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 436-сонли маълумотномаси). Тақдим этилган диссертация материаллари оилаларда миллий ва маънавий қадриятларга бўлган муносабатни шакллантириш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шундан 1 та альбом, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган ва бошқа илмий нашрларида 8 та (улардан 6 таси республика ва 2 таси хориж журналларида) мақола, 13 та (5 та халқаро ва 8 та республика) илмий-амалий анжуманлар тезислари эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари мавзусининг тарихшунослиги ва манбашунослиги”** деб номланган биринчи бобда никоҳ тўйи маросимлари ҳақидаги ёзма манбалар ва уларни ўрганилиш тарихшунослиги хронологик жиҳатдан қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилган: 1. XX аср бошигача бўлган манбалар; 2. Мустамлака ва совет даври тадқиқотлари; 3. Мустақиллик даври тадқиқотлари; 4. Хорижий тадқиқотлар.

Ушбу бобнинг **“Никоҳ тўйи маросимлари мавзусининг манбашунослиги”** деб номланган биринчи параграфда воҳада амалда бўлган никоҳ шакллари хусусида тўхталиб ўтилган. Хусусан, қалинли никоҳнинг **“моногамия”**, **“эндогамия”** ва қалинсиз никоҳнинг **“левират”**, **“сорорат”**, **“ичкуёв”**, **“кучкуёв”** каби турларига таъриф бериш билан бирга бугунги кунда амал қилинмайдиган никоҳ турлари ҳам ажратиб кўрсатилган. Воҳада **“суяк алмашди”** номи билан аталадиган **“қариши қуда”**чилик анъанаси ва унинг моҳияти очиқ берилган.

Ушбу параграфдаги хронологик даврлаштиришнинг биринчи гуруҳига **“XX аср бошигача бўлган манбалар”** мажмуи киради. Хусусан, Зардуштийликнинг муқаддас китоби **“Авесто”** никоҳ, оила қуриш ва у билан боғлиқ жараёнлар ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манба ҳисобланади⁴.

Мазкур тадқиқот иши мавзусига оид манбаларга ислом динининг муқаддас китоби **“Қуръони Карим”**⁵ ва ҳадислар тўплами⁶ни ҳам киритиш мумкин. Мазкур китоб ва ҳадислардан никоҳ маросимларининг шариат асосидаги йўл-йўриқларини ўрганиш мумкин. Маҳмуд Қошғарийнинг **“Девону луғотут-турк”** асарида никоҳ тўйи билан боғлиқ бир қанча атама ва терминларнинг изоҳи келтирилади⁷. Кайковуснинг **“Қобуснома”** асарида эса келин танлаш ҳақида маълумот бериб ўтилган⁸.

Биринчи гуруҳга XX аср бошларидаги тарихий-этнографик асарлар ва илмий тадқиқотлар мажмуи ҳам киради. Хоразм ўзбекларининг XX аср

⁴ Авеста. Избранные гимны / Перевод с авестийского и комментарии проф. И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990. – 176 с.; Авеста в русских переводах (1861 – 1996). – СПб.: Нева, 1997; Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 128 б.; Авеста: “Видевдот” китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: Тош ДШИ нашриёти. 2001. – 100 б.; Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам тарж. – Т.: Шарқ, 2001. – 384 б.; Ҳамидов Ҳ. Авесто файзлари. Т., 2001, Б. 59-60; Аширов А. «Авесто» ва Зардуштийликнинг оила-турмуш маросимлари. //ЎИФ. 2002, №1, Б. 49-53.

⁵ Қуръони Карим / таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 544 б.

⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳих (Ишонарли тўплам). – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1995. Т. 3. – 560 б.

⁷ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотут турк. – Т., 1960-1961. Т.1, 2, 3;

⁸ Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – 103 б.

бошларигача бўлган даврда ўтказилган никоҳ тўйлари ҳақида Эрон элчи ва ҳарбийлари ҳам муҳим маълумотлар қолдирганлар. Жумладан, 1842-йилда Хивага келган Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғофурнинг эсдаликларида⁹ ва 1851-йилда хонликда бўлган яна бир Эрон элчиси Ризоқулихоннинг “Сафаротномайи Хоразм” асарида Хива хонлигида ўтказилган никоҳ тўйи маросимлари ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. Хива хонлигига асирликка тушиб, ўн йил яшаган Эрон ҳарбий зобити Исмоил Мирпанжий эсдаликларида ҳам Хоразм ўзбекларининг ўша даврдаги никоҳ ўқиш маросими ҳақида бир қанча маълумотлар келтириб ўтилган¹⁰.

Машҳур венгер сайёҳи Арминий Вамберининг эсдаликларида ҳам Хива хонлиги аҳолисининг тўйлари ҳақида қисман тўхталиб ўтилган¹¹. Н.Н.Муравьевнинг Хива хонлигидаги маданий жараёнлар ҳақидаги маълумотлари диссертацияни ёритишда муҳим манбалардан бири сифатида катта аҳамиятга эга бўлди¹².

Хулоса шуки, тарихий ва ёзма манбаларда Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари ва у билан боғлиқ урф-одатлар тўлиқ акс этмаган бўлсада, улардаги қимматли тарихий ва этнографик маълумотлар никоҳ муносабатлари ва маросимларнинг инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини англашда тарихий асос бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “*Никоҳ тўйи маросимлари мавзусининг тарихишунослиги ва назарий-методологик асослари*” деб номланади. Ушбу параграфдаги хронологик даврлаштиришнинг иккинчи гуруҳ манбаларига “*Мустамлака ва совет даври тадқиқотлари*” киради. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан мустамлака қилиниши даврида ҳам минтақа халқлари турмуш тарзи ва маданияти, жумладан, оилавий-маиший маросимларига бағишланган тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, В.П.Наливкин ва М.В.Наливкиналар Фарғона водийси, никоҳ тўйи муносабатларини дала тадқиқотлари асосида баён этадилар¹³. А.Д. Гребенкин ўзбекларнинг оила-никоҳ масалаларига эътиборини қаратган бўлса, А.А.Диваев Чимкент ўзбекларининг келини куёвнинг уйига кузатиш маросимини ёритишга интилади¹⁴.

Л.П.Хорошхин, Н.П.Остроумов, М.Гаврилов, Н.С.Лыкошиннинг ишларида келин танлаш, келинни олиб қочиш ва никоҳ маросимига оид масалалар ўз ифодасини топган¹⁵. Бу манбаларда Хоразм воҳасидаги никоҳ

⁹ Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундаликлари (Эрон элчисининг хотиралари. XIX аср). – Т.: Фан, 2005; Мирзо Ризоқулихон Ҳидоят-Лолобоши. Сафарномаи Хоразм. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 49 б.

¹⁰ Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар. Биринчи ва иккинчи қисмлар. Исмоил Бекжон таржимаси. – Урганч: Қувончбек-Машҳура, 1997. – 54 б.

¹¹ Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – 161 с.

¹² Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. – М., 1822. Ч. II. – 124 с.

¹³ Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Университет, 1886.

¹⁴ Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан: Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. – Вып. II. – М., 1872. – С.62-68; Диваев А.А. Проводы невесты. (Обычай сартов города Чимкента) // Сб. Материалов для статистики Сырдарьинской области. – 1885. – №4. – С. 96-98.

¹⁵ Хорошхин Л.П. Обряды, обычаи и поверья сартов (Сборник его статей) // Туркестанский сборник. Т. 116. – С. 118-126; Остроумов Н.П. Сарты. Этнография // Сб. Материалов для статистики Сырдарьинской

тўйлари ва у билан боғлиқ жараёнлар деярли тилга олинмаган бўлсада, ундаги маълумотлар тадқиқот материалларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишга ва умумий хулоса чиқаришга асос бўла олади.

XX аср бошларидаги никоҳ маросимларини ўрганиш борасида С.Ф.Олденбург, Э.С.Вульфсон, К.А.Иностранцев, В.В.Бартольд, Р.Я.Штернберглар томонидан рус тилида чоп этилган қатор ишлар эътиборга моликдир¹⁶. “Туркистон маҳаллий аҳолисининг маиший турмушини ўрганиш” мақсадида 1921-йилда М.С.Андреев раҳбарлигида ташкил этилган экспедициянинг ноёб этнографик маълумотлари¹⁷дан ҳам тадқиқот ишимизни таҳлилий ўрганиш учун фойдаланилди.

1936-йилда ташкил қилинган Хоразм археология-этнография экспедициясининг фаолияти давомида Хоразм воҳаси никоҳ тўйи маросимлари мавзуси айниқса, кенг миқёсда ва илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Экспедиция аъзолари С.П.Толстов¹⁸, М.А.Итина¹⁹, Т.А.Жданко²⁰, Н.П.Лобачева²¹, К.Л.Задыхина²², П.Г.Снесарев²³, В.М.Сазонова²⁴, О.А.Вишневская²⁵, Э.Г.Кагаров²⁶ларнинг асарлари шулар жумласидандир. Никоҳ тўйи маросимларидаги қадимий диний эътиқодларнинг кўринишларини Хоразм мисолида ўрганган Г.П.Снесаревнинг шу соҳадаги фундаментал асари²⁷ алоҳида эътирофга лойиқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, никоҳ тўйи маросимларини ўрганиш юзасидан совет даврида чуқур илмий асосга эга бўлган ишлар амалга оширилган, бироқ ушбу тадқиқотлар ўша давр мафкурасини тарғиб қилишга ҳам йўналтирилган.

Ўзбекларнинг анъанавий маросимларини ўрганган Н.П.Лобачева Ўрта

области. – Т., 1904. Т. XI; Гаврилов М. Сартовская свадьба // Туркестанские ведомости. – 1911. – №150, 152; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Птр.: Б.И., 1916.

¹⁶ Олденбург С.Ф. Предисловие / Арнольд. Свет Азии. – СПб., 1906. – С. 3-20; Вульфсон Э.С. Какъ живутъ сарты. – М.: Владимир Чичерин, 1908. – С. 60-74; Иностранцев К.А. О домусулманской культуре Хивинского оазиса. – СПб. 1911; Бартольд В.В. Сочинения, т.11, часть 1. – М.: Наука, 1963. – 206 с.; Штернберг Р. Я. Новые материалы по свадьбе. – Л., 1926. – 123 с.

¹⁷ Андреев М.С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область 1921 // Известия Туркестанского отдела РГО. Т. ХУІІІ / 1921.

¹⁸ Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1958-1961 гг // МХЭ, вып.6. – М., 1963. – С. 17-18.

¹⁹ Итина М.А. Хорезмийская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований. // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 4-21.

²⁰ Жданко Т.А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды). // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 21-41.

²¹ Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков. Краткие сообщ. (Институт этнографии им.Миклухо-Маклая), вып.34. – М,1960. – С. 39-48; Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. С. 298-329

²² Задыхина К.Л. Узбеки дельты Аму-Дарьи. Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945-1948 гг., т. 1. – С. 319-426.

²³ Снесарев Г.П. Под небом Хорезма. – М.: – Мысль, 1973. – 160 с.; Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – 213 с.

²⁴ Сазонова В.М. К этнографии узбеков южного Хорезма // ТХАЭЭ. – М.: АН СССР, 1952. Т.1. – С. 247-318; Традиционное хозяйство узбеков южного Хорезма. – Л.: 1978. – 96 с.

²⁵ Вишневская О.А., Рапорт Ю.А. Следы почитания огня в средневековом хорезмском городе (оссуарии). // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 105-112.

²⁶ Кагаров Е.Г. Состав и происхождение свадебного обряда // Труды АЭЛ., 1929. Т. VIII. – С. 182.

²⁷ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969;

Осиё халқларининг оила ва маросимларини ўрганиш ва таҳлил этиш билан бирга, совет даврида юзага келган маросимларни ижобий деб таърифлайди ва ўз ишларида кенг тарғиб қилади²⁸. Мазкур муаммоларни назарий ва илмий тадқиқ этган олимлардан К.Ш.Шониёзовнинг асарлари²⁹ ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, О.А.Сухарева, М.А.Бикжанова, А.Ф.Моногарова, Т.Х.Ташбаева ва М.Д.Савуров³⁰лар оилавий маросимларнинг анъанавий шакллари биринчилардан бўлиб кўрсатиб бериш билан бирга, бу муаммоларни ўрганиш усулларини ҳам яратдилар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг турмуш тарзи ва маданиятини ёритган муаллифлар орасида Н.А.Кисляков³¹, С.М.Абрамзон³²нинг никоҳ ва оила масалалари акс этган тадқиқот ишлари мавзуни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Хоразм воҳаси никоҳ тўйлари Т.Қиличев³³, Ҳ.Исмоилов³⁴ ва Ж.Юсупов³⁵лар томонидан ҳам этнографик жиҳатдан маълум даражада ўрганилган.

Ушбу параграфга доир хронологик даврлаштиришнинг учинчи гуруҳини “*Мустақиллик даври тадқиқотлари*” деб номланган мавзуси ташкил қилади. Мустақиллик даври адабиётлари ва тадқиқотларида никоҳ маросимлари билан боғлиқ жараёнлар акс этиб, уларда асосан қиёсий таҳлил ва холислик методларига таянилган. Хусусан, И.М.Жабборовнинг ўзбек халқининг турмуш тарзига бағишланган асарларида³⁶ Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлари ҳам акс этган.

А.А.Ашировнинг диний эътиқодий қарашларга бағишланган диссертация маълумотлари ва мақолаларидан³⁷ никоҳ билан боғлиқ диний

²⁸ Лобачева Н.П. Свадебный обряд как историко-этнографический источник (на примере хорезмских узбеков) // Советская этнография // СЭ. 1981. № 2; Значение общины в жизни семьи (по материалам свадебной обрядности хорезмских узбеков) // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989; Что такое свадебный обряд? (опыт изучения содержания брачно-свадебной обрядности) // ЭО. 1995. № 4; Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975; Брак / Семейный быт народов СССР / Отв. ред. Т.А. Жданко. – М.: Наука, 1990. – С. 448-461; Об одном обычае свадебного комплекса хорезмских узбеков // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979;

²⁹ Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки (Историко-этнографический очерк). – Т.: Фан, 1964. – 195 с.; К этнической истории узбекского народа. – Т.: Фан, 1974. – 342 с.

³⁰ Сухарева О.А. Некоторые вопросы брака и свадебные обряды у таджиков к. Шахристан. – СПб, 1938; Бикжанова М.А. Семья в колхозах Узбекистана. На материалах колхозов Наманганской области. – Т.: АН УзССР, 1959. – 136 с.; Моногарова А.Ф. Семья и семейный быт / Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – С. 193-243; Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Т.: Фан, 1989. – 162 с.

³¹ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1969; Проблемы семьи и брака в работах советских этнографов (По материалам Средней Азии и Казахстана) // Советская этнография. – М., 1967. – № 5. – С. 92-104.

³² Абрамзон С.М. Свадебные обычаи у киргизов Памира // Труды АН Тад ССР. Т. 20. – М., 1959; Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., 1971.

³³ Киличев Т. Хоразм халқ театри. – Т., 1988. – 184 б.

³⁴ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари (XIX аср охири – XX аср боши). – Т.: Фан, 1979; Ўзбек тўйлари. – Т., 1992.

³⁵ Юсупов Ж. Эпик анъаналар генезиси. – Урганч, 2008. – Б. 37.

³⁶ Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: Ўқитувчи, 2003; Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнотарихий лавҳалар). – Т.: Шарқ, 2007; Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. – Т., 1978; Такдирин инсон ўзи яратур. – Т.: Ёш гвардия, 1974.

³⁷ Аширов А.А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар. (Фарғона водийси материаллари асосида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –

қарашлар ва тўйлардаги инонч-эътиқод ва табуларнинг моҳиятини англашда ҳамда маълумотларни қиёсий таҳлил қилишда кенг фойдаланилди.

З.Х.Арифхонова ва Г.Ш.Зунуновларнинг ўзбекларнинг анъанавий маросимлари масалалари ёритилган тадқиқотлари³⁸, З.А.Расулованинг Тошкент шаҳридаги совчилик жараёни, тўй-ҳашамларни ўтказиш масалалари акс этган маълумотлари³⁹дан худудлар ўртасидаги маданий жараёнларни таққослашда ва таҳлил қилишда фойдаланилди.

Илмий тадқиқотлардан С.А.Соатова, Г.С.Тошева, А.Э.Қурбонов, Б.Р.Турсуновларнинг номзодлик диссертациялари⁴⁰да Юқори Зарафшон, Қашқадарё, Шимолий Сурхон воҳалари ва Фарғона водийси аҳолиси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари мавзуси ёритилган ва тадқиқот иши доирасида улардан ҳам қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилди.

Никоҳ тўйи маросимлари пайтида кийиладиган анъанавий либосларни ўрганишда Н.Содиқова, С.Т.Давлатова, Ш.К.Нуруллаевалар⁴¹нинг маълумотларидан фойдаланилди.

Маросим таомларини ўрганиш ва ёритишда К.Ш.Шаниязов, Г.Ш.Зунунова, А.А.Ашировларнинг шу соҳага тегишли адабиётлари билан бир қаторда М.Х.Файзуллаева⁴² ва С.М.Маткаримова⁴³ларнинг илмий тадқиқот ишларидан ҳам фойдаланилди.

Диссертация ишида Хоразм вилоятининг аҳолисидан тўпланган дала этнографик маълумотлар ҳам мавзунини ёритишда асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Ушбу параграфга доир хронологик даврлаштиришнинг тўртинчи гуруҳини ташкил этувчи *хорижий тадқиқотлар* ҳам салмоқли ишларни ўз ичига олади.

Тошкент, 2008; Анъанавий никоҳ тўйи маросимлари урф-одатларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // O'zbekiston tarixi. – 2003. – № 2. – Б. 38–46.

³⁸ Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. – Т., 2006. – 94 с; Арифханова З.Х. Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тарихий-этнографик тадқиқот). – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 220 б.

³⁹ Расулова З.А. Тошкент шаҳри ўзбекларининг оила-никоҳ муносабатлари (XX аср охири – XXI аср бошлари) Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2009.

⁴⁰ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1999. – 139 в; Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2002. – 182 в; Қурбонов А.Э. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари. (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми): Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2009. Турсунов Б.Р. XX асрда Фарғона водийси аҳолисида оила, оилавий маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. (Конибодом воҳаси мисолида): Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент-Хўжанд, 2002.

⁴¹ Содиқова Н. XIX – XX асрларда ўзбек миллий кийимлари. – Т.: Шарқ, 2001; Давлатова С.Т. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2006; Нуруллаева Ш.К. Хоразм анъанавий кийимлари. – Т.: YANGI NASHR, 2013.

⁴² Файзуллаева М.Х. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). – Т.: YANGI NASHR, 2010. – 160 б.

⁴³ Маткаримова С.М. Воҳа аҳолиси тўй ва тантана таомлари ва улар билан боғлиқ урф-одатлар. “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. – Т.: YANGI NASHR, 2019. – Б. 101-104; Хоразмда маросимий таомлар ва уларнинг воҳа аҳолиси ҳаётидаги ўрни. Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. 2017. № 3. – Б. 49-51.

Хорижий тадқиқотларда ҳам бу масала атрофлича ўрганилган бўлиб, бу борада Ю.Э.Брегель⁴⁴нинг Хива хонлиги худудида яшовчи ўзбек, туркман ва қорақалпоқ элатларининг ижтимоий-иқтисодий тузуми ҳамда маданиятини ёритишга доир асарлари муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга М.Ривкин, Ш.Акинер, Д.Кандиёти, Г.Ланделл ва Л.Потапов каби тадқиқотчиларнинг этнографик мавзудаги мақола, рисола ва асарлари ҳам масалани ёритишда хизмат қилди⁴⁵.

“Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари” мавзусини ёритишда қуйидаги назарий-методологик усуллардан самарали фойдаланилди. Жумладан, мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослигини ёритишда тарихийлик ва тавсифийлик ҳамда тарихий қиёсий таҳлил қилиш методидан; никоҳдан олдинги ва кейинги маросимлар, никоҳ тўйида амалга ошириладиган расм-русмларни ўрганишда этнографик кузатув ҳамда дала ёзувлари методидан; никоҳ тўйи билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш ва ёритишда социологик методларнинг анкета, интервью, кузатув ва ҳужжатларни ўрганиш усулларидан фойдаланилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, никоҳ тўйи маросимларини ўрганиш юзасидан совет даврида чуқур илмий асосга эга бўлган ишлар амалга оширилган, бироқ ушбу тадқиқотлар ўша давр мафкурасини тарғиб қилишга ҳам йўналтирилган ва миллий урф-одатларимиз “*эскилик сарқити*” деб баҳоланган.

Хулоса шуки, Хоразм воҳаси ўзбеклари, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида яратилган мустақиллик даври адабиётлари, шунингдек, хорижий мутахассисларнинг тадқиқотларида кўплаб янги ва сиёсий мафкурадан ҳоли бўлган фактик материаллар мавжуд ва бугунги кунда уларни ўрганиш катта илмий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг “**Никоҳ тўйи маросимлари: анъанавийлик ва замонавийлик**” деб номланган иккинчи бобида никоҳ тўйи маросимларининг турлари, ўтказилиш тартиби ва моҳияти ҳақида маълумот берилди. Ушбу бобнинг “*Никоҳ тўйигача бўлган маросимлар*” деб номланган биринчи параграфидан никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар уч босқичга бўлиб ўрганилган: 1) келин танлаш, унга совчи юбориш, фотиҳа қилиш каби маросим ва тадбирлар; 2) келинни куёвнинг уйига олиб келиш, никоҳлаш ҳамда тўй-томоша тадбирлари билан боғлиқ турли хил расм-

⁴⁴ Брегель Ю.Э. Хорезмские туркмены в XIX веке. – М.: Наука, 1963; Документы архива Хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. Подбор документов, введение, перевод, примечания и указатели Ю.Брегеля. – М.: Наука, 1967.

⁴⁵ М.Ривкин. Housing in Central Asia: Demography, ownership, tradition. The Uzbek example. Conference journal by Rywkin M. Washington, D.C. December 19, 1979. P-14; Akiner Shirin (2002). Islam in Post-Soviet Central Asia: Contested Territory. In: Andrea Strasser, Sigfried Haas, Gerhard Mangott, Valeria Heuberger (Hrsg.), Zentralasien und Islam-Central Asia and Islam. – Hamburg: Deutsches Orient-Institut. – Pp. 73-102; Kandiotti Deniz & Azimova Nadira. (2004). The communal and the sacred: Women's worlds of ritual in Uzbekistan. Journal of the Royal Anthropological Institute. №10. Pp. 327 – 349; Landesdell H. Russian Central Asia including Kulja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol. 2. – London, 1885. – 732 p; Potapovs Leonid Pavlovich. Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928 – 1930. Wraps. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowitz Verlag. – Wiesbaden, 1995. – 248 pp. 5 illus. 4 to.

русумлар; 3) никоҳ тўйидан сўнг ўтадиган тадбирлар ва улар билан боғлиқ удумлар.

Биринчи босқичда асосий никоҳ тўйи маросимидан олдин ўтказиладиган бир нечта маросим ва тадбирлар ҳақида маълумот берилади. Жумладан, “совчилик”, “ўғри патир”, “эшик очар”, “уй кўрар”, “патир” ёки “потия тўй”, “кўрна бичар”, “нон ёпар”, “тўйлик”, “хина ёқар”, “қуш қўнди”, “йигит енгнар”, “генгаш”(кенгаш) ёки “гашир дўғрашма”, “базарлик”, “ҳайитлик” каби маросим ва тадбирлардан иборат бўлиб, улар билан боғлиқ бир қанча расм-русумлар ҳам амалга оширилади ҳамда улар воҳанинг турли ҳудудларида ҳар хил номлар билан аталади. Масалан, “қизлар базми” – “хина ёқар”, “хина ёпар”, “қиз йигин”, “қиз йигнар”, “қиз жийар” ва “ётоғ тўйи” номлари билан юритилади. Ёки совчиликнинг охириги босқичи қиз тарафнинг розилигини олиш учун бориладиган тадбир “ўғри патир”⁴⁶, “ўғри қанд”⁴⁷, “эшик очар” деб, совчиларга розилик бериш эса, “оқ олишди” ёки “оқ олди”, “шира олди”, “қанд олди”, “жувоб олди”⁴⁸ деб юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хоразмда “уй кўрар” маросими ўтмасдан олдин келиннинг розилиги берилмаган. Бу тадбир келин-куёвнинг уйини безатиш маъносида эмас, балки куёвнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан бохабар бўлиш мақсадида амалга оширилган⁴⁹.

Никоҳ тўйигача ўтказиладиган тадбирларнинг ичида “фотиҳа тўйи” асосий маросим ҳисобланади ва унда “новот синдириши”, “қатлама, патир ва ширинликлар тарқатиши”, “нон алмашиши” ва “қуллуқ айтиши” каби удумлар бажарилади.

Никоҳ тўйигача бўлган вақт оралиғида ҳайит байрамлари ёки якшанба кунини келса, келин учун йўқлов, яъни “ҳайитлик” ва “базарлик” юборилади. Бундан ташқари келин-куёвлар учун аталган кўрпа-тўшакларни тикиш учун ҳар иккала хонадонда “кўрна бичар”, тўй нонини ёпиш учун “нон ёпар” ва тўй ошининг сабзисини тўғраш ва эртанги тўйни маслаҳатини қилиш учун “гашир дўғрашма” ёки “генгаш” маросимлари ўтказилади.

Никоҳ тўйидан бир кун олдин куёв тараф келин хонадонига тўй дастурхони учун мўлжалланган харажатларни олиб келади ва бу “тўйлик” деб аталади. Бугунги кунда тўйликнинг харажатлари “фотиҳа тўйи” харажатларига қўшиб олиб борилмоқда.

Хоразмнинг Янгибозор ва Гурлан туманларида бошқа жойлардан фарқли, “йигит енгнар” маросимидан бир неча кун олдин “қуш қўнди” тадбири бўлиб ўтади⁵⁰.

⁴⁶ Дала ёзувлари. Ибрагимова Аноргул. Қўшқўпир тумани Қатағон қишлоғи, 2017 йил.

⁴⁷ Дала ёзувлари. Раҳимова Бикажон. Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи, 2017 йил.

⁴⁸ Дала ёзувлари. Раҳмонова Зебо. Хазорасп тумани Питнак шаҳри; Ҳайитбоева Муяссар. Боғот тумани Маданият қишлоғи; Матрасулова Зиёда. Хива тумани Ирдимзон қишлоғи; Авазова Марям. Гурлан тумани Ҳизир-эли қишлоғи; Қўчқорова Жумагул. Урганч тумани Юқоридўрман қишлоғи; Атаназарова Матлуба. Хива тумани Дашиқ қишлоғи; Раҳимова Жумагул. Шовот тумани Қиёт қишлоғи; Юнусова Шарифажон. Хонка тумани Гулистон маҳалласи; Отажоновна Ширин. Янгибозор тумани Қаландардўрман қишлоғи; Жуманиёзова Гавҳар. Қўшқўпир тумани Қатағон қишлоғи, 2018 йил.

⁴⁹ Дала ёзувлари. Ибрагимова Аноргул. Қўшқўпир тумани Қатағон қишлоғи, 2018 йил.

⁵⁰ Дала ёзувлари. Юсупов Шокир. Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғи, 2020 йил; Ражапов Одилбек. Гурлан тумани Сахтён маҳалласи, 2018 йил.

Хоразмда тўйга меҳмон чақиришда қадимдан “нейкол” ва “ходим” хизматларидан фойдаланилган ва у билан боғлиқ “ходим чиқар” удуми ўтказилган.

Хуллас, никоҳ тўйигача бўлган маросим ва тадбирларда бўлғуси қудалар ва уларнинг қариндош-уруғлари томонидан амалга ошириладиган барча расм-русумлар икки тарафнинг ўзаро бир-бирларини яқиндан таниб олишларига, бардавом муносабатлар ўрнатилишига ва мустаҳкам оила барпо этилишига асос бўла олади.

Иккинчи бобнинг “Тўй куни бажариладиган расм-русумлар: анъанавийлик ва замонавийлик” деб номланган иккинчи параграфида никоҳ тўйи куни бажариладиган урф-одат ва расм-русумлар ҳамда уларнинг моҳияти ёритилган. Никоҳ тўйининг асосий тантанаси билан бирга бир қанча кичик урф-одат ва расм-русумлар бажарилади. Хусусан, “кўшайна бичар”, “галинни гийинтириш”, “қизни узатиш”, “галин салом”, “белбоғ ечар”, “таха ташар” ва бошқалар.

Тўй хонадонидида тушлик пайти қариндош-уруғ ва қўни-қўшниларга ош берилади. Куёв тарафдан келган қудалар келгач, “кўшайна бичар” удуми ўтказилади. Бу пайтда яхши тилаклар айтиб дуо қилинади⁵¹. Кейин маҳалланинг кайвони онахони, баъзи жойларда ҳалфа ёки ходим аёл томонидан “ёп-ёп” айтилади. Шундан сўнг келинга махсус келин либоси кийдирилади ва куёв хонадонига олиб кетилади. Келин ота уйини тарк этар экан, ўзи билан отаси ёкиб берган чироқни олиб кетади.

Келин келган пайт куёвнинг қариндошлари катта хурсандчилик, ўйин-кулгу билан, келинни қарши оладилар. Келин келган машина устидан турли хил сочқилар сочилади. Келин машинадан тушаётганида оёқлари остига шу хонадон соҳибларининг пўстини ташланади⁵².

Хоразмда бошқа келин саломлардан фарқли келин куёвнинг остонасига қадам қўймасдан олдин барчага янгаси билан баробар эгилиб таъзим қилади. Келин куёв хонадонига биринчи бўлиб ўнг оёғи билан қадам қўяди ва хонасига кирганда қайнонасининг рухсати билан ўтиради.

Шундан сўнг “таха ташар” ва “белбоғ ечар” номлари билан аталадиган маросим ўтказилади ва у билан боғлиқ бир нечта удумлар бажарилади. Хусусан, келинни таха ташаш*, куёвнинг белбоғини ечиш, келин-куёвларни ойнага қаратиш, уларга новвотли сувдан ичириш, кўрпаси орасидан кичкина ўғил болани ўтказиш, исириқ тутатиш ва бошқа расм-русумлар ўтказилади.

Никоҳ тўйи тантанаси ҳар бир даврда ўзига яраша тузум мафкураси ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит тақозосига кўра ўтказилган. Хусусан, XX асрнинг бошларида қишлоқ жойларида ерга олдин чим яъни қамиш ёйилиб, устидан кигиз ёки палос тўшалиб, одамлар давра бўлиб ўтиришган. Бундай никоҳ тўйларига бахшилар ва ҳалфалар чақирилган.

⁵¹ Нуруллаева Ш.Қ. Хоразм анъанавий кийимлари. – Т.: YANGI NASHR, 2013. – 101 б.

⁵² Дала ёзувлари. Искандарова Назира. Қўшқўпир тумани Ҳайробоод қишлоғи, 2017 йил.

* тах – келин-куёвлар учун кўрпа-тўшак ёйилган махсус жой ёки ётоқ.

XX асрнинг 60 – 70-йилларидан бошлаб тўйлар замонавийлашган ва никоҳ тўйларига созандалар гуруҳи чақирила бошлаган⁵³. Илгари уйларда оддий ва камтарона ўтказилган никоҳ тўйлари 2000-йиллардан кейин фақат махсус тўйхоналарда ўтказиладиган бўлди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тўй куни бажариладиган ҳар бир анъанавий маросим ва расм-русумлар замирида мустаҳкам, фаровон, серфарзанд оилани қуришга қаратилган мақсад мужассам. Гарчи 2000-йиллардан бошлаб кечги никоҳ тўйи тантаналарини ўтказишда анча меъёрдан ошиш ҳолатлари кузатилаётган бўлсада, кун давомида қадимий урф-одат ва расм-русумларга амал қилишда анъанавийлик яққол кўзга ташланади.

Иккинчи бобнинг *“Тўйдан кейин ўтказиладиган маросимлар”* деб номланган учинчи параграфидан никоҳ тўйи тантанасидан кейинги ўтказиладиган маросим ва тадбирлар ва уларнинг маҳаллий хусусияти ёритилган.

Хоразм воҳасида никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган маросим ва тадбирлар бир нечта бўлиб, улар *“галин гўрар”*, *“гуёв гўрар”*, *“қуда донишма”*, *“чопон палов”*, *“пояндўз палов”*, *“супра қоқди”*, *“галин чақиришма”*, *“гуёв чақиришма”* ва бошқа тадбирлар ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам келинни эпли эканлиги синаш учун унга ун элатиб, уноши кесдириб ёки чувара (барак) букдириб кўрилади, аммо куёвларни синаб кўрувчи одатлар учрамайди.

Воҳанинг айрим туманларида келин ва куёвлар учун *“бурундиқ ота-она”* тайинланади ва улар иккинчи ота-она сифатида тан олинади.

Тўйга келган меҳмонларни қабул қилиш *“қўноқ”* олиш дейилади ва Хоразмда ҳам бу анъана мавжуд бўлиб, яқин-яқинларгача *“қўноқ”* олиш расм бўлган.

Хулоса шуки, воҳада никоҳдан кейин ўтказиладиган маросимлар кўпинча кам сонли кишилар иштирокида ўтадиган тадбирлар бўлиб, аҳамияти жиҳатидан никоҳгача ва никоҳ тўйида ўтказиладиган маросим ва расм-русумлардан кам эмас.

Иккинчи бобнинг *“Никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ табулар ва ирим-сиримлар”* деб номланган тўртинчи параграфидан никоҳ тўйи маросимларида кишилар томонидан эътиқод қилинадиган инончлар ва бажариладиган турли хил ирим-сиримли амаллар ёритилган.

Нарса-буюмларнинг илоҳий кучга ва таъсирга ҳамда келин-куёвлар бахтини таъминловчи хусусиятга эга эканлигига ишониш ҳали ҳам кишилар онгида мавжуд ва уларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Аммо, социологик сўровномалардан воҳа аҳолисининг кўпчилиги бундай ирим-сиримларга ишонмаслиги ва уларга фақат қадрият сифатида қараши ва амал қилиши маълум бўлди. Муаммонинг таҳлили шуни кўрсатадики, никоҳ тўйи билан боғлиқ ирим-сиримларнинг ҳеч бири ислом дини таълимотига асосланмаган ва динда бундай инончлар хурофот деб талқин қилинади.

⁵³ Дала ёзувлари. Кутлиева Сўнажон. Урганч шаҳар Ободончи кўча, 13 уй. 2019 йил.

Хуллас, тўйлардаги инонч-эътиқодлар билан боғлиқ турли хил ирим-сиримлар ва никоҳ маросимидаги бажариладиган кўпгина расм-русумлар никоҳланаётганларнинг ҳаёти фаровон, эзгу ва бахтли бўлишини таъминлаш, серфарзандликни тилаб амал қилинадиган иримлар эса авлодни давом қилишга қаратилган ва оилани мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Иккинчи бобнинг *“Никоҳ тўйи маросимларида ислом дини эътиқодларининг кўринишлари”* деб номланган бешинчи параграфда Хоразм воҳаси никоҳ тўйларида ислом шариатининг зарурий элементи бўлган икки ёшни фотиҳа қилиш, келин-куёвларни никоҳлаш, уни элга тўй бериб маълум қилиш ва катталарнинг дуосини олиш каби урф-одатларнинг мавжудлиги аниқланди.

